



STAGES OF PROSECUTOR'S INSPECTION AND THEIR UNIQUE FEATURES

Avazbek Komilov

Head of Department, PhD, Associate Professor

The Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: komilov02011985@gmail.com

ABOUT ARTICLE

Key words: prosecutorial supervision over the execution of laws, prosecutor, prosecutorial inspection, stages of prosecutorial inspection, unique features of stages.

Received: 23.02.25

Accepted: 25.02.25

Published: 27.02.25

Abstract: This article describes the stages of prosecutorial inspection and their unique features. According to the author, a number of scholars, who have studied the stages of organizing and conducting prosecutorial inspections have yet to reach a consensus on these stages. Therefore, the views of domestic and foreign scholars, who have studied the stages of prosecutorial inspections were analyzed by classifying them into groups. The author proposes a scientific conclusion that the stage of monitoring the practical implementation of prosecutorial measures (including acts of prosecutorial supervision) applied at the end of the inspection is a separate, concluding stage of organizing and conducting a prosecutorial inspection. Moreover, the article describes the actions that must be taken at each stage of the inspection.

ПРОКУРОР ТЕКШИРУВИНИНГ БОСҚИЧЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Авазбек Комилов

кафедра бошлиғи, PhD, доцент

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: komilov02011985@gmail.com

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: қонунлар ижроси юзасидан прокурор назорати, прокурор, прокурор текшируви, прокурор

Аннотация: Мазкур мақола прокурор текширувининг босқичлари ва уларнинг ўзига хос жиҳатларини ёритишга

текширувининг босқичлари, текширув босқичларининг ўзига хос жиҳатлари.

бағишланган. Муаллифнинг қарашларига кўра, прокурор текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш босқичларини тадқиқ қилган қатор олимлар ушбу босқичлар борасида ҳанузгача яқдил тўхтамга келган эмас. Шу сабабли, прокурор текшируви босқичларини ўрганган миллий ва хорижий олимларнинг қарашлари гуруҳларга таснифланган ҳолда таҳлил қилинган. Муаллиф текширув якунига кўра қўлланилган прокурор таъсир чораларининг (*ш.э. прокурор назорати ҳужжатлари*) амалда ижро этилиши устидан назорат босқичини прокурор текширувларини ташкил этиш ва ўтказишнинг алоҳида, сўнгги босқичи эканлиги ҳақидаги илмий ҳулосани илгари сурган. Шунингдек, ҳар бир текширув босқичида амалга ошириладиган хатти-ҳаракатлар батафсил ёритиб берилган.

ЭТАПЫ ПРОКУРОРСКОЙ ПРОВЕРКИ И ИХ УНИКАЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ

Авазбек Комилов

Начальник кафедры, PhD, доцент

Правоохранительной академии Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

E-mail: komilov02011985@gmail.com

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: прокурорский надзор за исполнением законов, прокурор, прокурорская проверка, этапы прокурорских проверок, уникальные особенности этапов проверок.

Аннотация: В данной статье описываются этапы прокурорской проверки и их уникальные особенности. По мнению автора, ряд учёных, исследовавших этапы организации и проведения прокурорской проверки, до сих пор не пришли к единому мнению относительно этих этапов. Поэтому были проанализированы взгляды отечественных и зарубежных учёных, изучавших стадии прокурорской проверки, путём их классификации по группам. Автором выдвинут научный вывод о том, что стадия контроля за практической реализацией мер прокурорского воздействия (в том числе актов прокурорского надзора), применяемых по окончании проверки, является отдельной, завершающей стадией организации и проведения прокурорской проверки. Более того, статье детально описываются действия, которые необходимо предпринять на каждом этапе проверки.

Маълумки, прокурор назорати назарияси ва амалиёти, жумладан прокурор текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш босқичларини тадқиқ қилган қатор олимлар ушбу босқичлар борасида ҳалигача ягона тўхтамга келган эмаслар. Ушбу масалада миллий ва хорижий олимларни бир неча гуруҳларга ажратиш мумкин. Хусусан, *биринчи гуруҳга* прокурор текширувлари 3 босқичда (*текширишга тайёргарлик кўриш, бевосита текшириш ўтказиш ва аниқланган қонун бузилиши ҳолатларига ҳуқуқий баҳо бериш*) ташкил этилиши ва ўтказилиши ҳақида фикр билдирган олимлар (*С.Журсимбаев, С.Джамбулатов, К.Разногузов, Г.Иванцова, О.Калугина, Н.Корешникова, О.Коршунова, Н.Мельников, Т.Решетникова, Н.Субанова, С.Баранов ва Е.Просвирин, С.Алексеев ва Н.Вотчель, С.Щерба*) кирса, *иккинчи гуруҳга* текширув якунига кўра қўлланилган прокурор таъсир чораларининг (*ш.ж. прокурор назорати ҳужжатлари*) амалда ижро этилиши устидан назорат босқичини прокурор текширувларини ташкил этиш ва ўтказишнинг алоҳида якуний босқичи эканлигини таъкидлаган олимлар (*А.Щербаков, И.Иманов, С.Нурпеисов*) ташкил этади.

Хусусан, биринчи гуруҳга мансуб олимлардан Т.Решетникова текшириш ўтказиш босқичларини: 1) тайёргарлик, 2) бевосита текшириш ўтказиш, 3) текшириш натижалари бўйича якуний ҳужжат (маълумотнома) тузиш, уни ҳуқуқий баҳолаш ва реализация қилиш босқичларига ажратади. Шу каби, О.Коршунова ҳам текширув қўйилган мақсад, вазифа ва мазмунга кўра, муайян босқичларга бўлиниши, уларга: текширишга тайёргарлик кўриш, текширув тадбирларини ўтказиш ва қабул қилинган маълумотни баҳолаш ҳамда прокурор таъсир воситаларини танлаш босқичлари киришини қайд этган.

Иккинчи гуруҳга мансуб олимлардан И.Иманов назорат актининг ўзи унинг ижроси масаласида назорат қилиниши лозимлигини таъкидласа, А.Щербаков қўлланилган прокурор таъсир чораларининг кўриб чиқилиши бўйича жавоб хатларининг мавжудлиги ва ўз вақтида келиб тушганлигини ўрганиш якуний босқичдаги назоратнинг муҳим таркибий элементи эканлиги ҳақида ёзади.

Юқорида қайд этилган олимларнинг фикрларини таҳлил қилган ҳолда, бизнинг қарашларимиз кам сонли иккинчи гуруҳ олимларнинг фикрлари билан ҳамоҳанг тушади. Бизнингча, прокурор назорати назарияси ва амалиётдан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, прокурор текширувлари тўрт босқичда ташкил этилади ва ўтказилади:

1. Режалаштириш ёки текширишга тайёргарлик кўриш босқичи;
2. Асосий – бевосита текшириш ўтказиш босқичи;
3. Текширишда аниқланган қонун бузилиши ҳолатларига ҳуқуқий баҳо бериш босқичи;
4. Якуний – қўлланилган прокурор таъсир чораларининг (*ш.ж., прокурор назорати ҳужжатлари*) амалда ижро этилиши устидан назорат босқичи.

Режалаштириш ёки текширишга тайёргарлик кўриш босқичи

Н.Субанованинг таъкидлашича, текширувнинг сифати прокурор томонидан унга тайёргарлик кўриш жараёнига ажратилган эътиборга боғлиқ бўлиб, тайёргарлик босқичи текширув ўтказиладиган орган фаолиятини тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий база билан танишишдан бошланади. Тайёргарлик босқичининг муҳимлиги ҳақида фикр билдирган яна бир олим А.Дарбинян эса ушбу босқичга тайёргарликнинг ҳажми ва мазмуни: прокурорнинг иш тажрибаси, унинг малакаси, қонунларни қўллаш ва текшириш режалаштирилган орган томонидан йўл қўйиладиган одатий қонунбузарликлар ҳақидаги билим даражаси, қонунийлик аҳволи ва бошқа омилларга боғлиқ бўлишини таъкидлайди.

Мазкур босқичда қуйидагилар профессионал даражада ва масъулият билан амалга оширилиб, режалаштирилаётган текширишга пухта тайёргарлик кўрилади:

- текшириш объектини (объектлар доирасини) аниқлаб олиш;
- текширишнинг асоси, мақсади, вазифалари ва муддатини белгилаш;
- текшириш мобайнида ўрганиладиган (текшириладиган) саволлар (масалалар) доирасини, яъни *текширув предмети*ни ҳар томонлама, тўлиқ ва тўғри аниқлаб олиш;

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, текширув предмети аниқлаш текширувга тайёргарликнинг энг дастлабки босқичи саналади. Прокурор текширувининг самарадорлиги тўлиғича унинг предмети тўғри шакллантирилишига боғлиқ бўлади. Бунда прокурор нимани (қаерни) текширишни, қандай тартибда текширишни ва қайдаражада текширишни олдиндан белгилаб олади. Текширув предмети нотўғри белгилаш:

- 1) текширув объектининг нотўғри танланиши;
- 2) текширув мавзусига мос келмайдиган текширув ўтказиш методикасининг танланиши;
- 3) қонун бузилиши ҳолатларини аниқлашнинг нотўғри услублари танланиши;
- 4) аниқланган қонун бузилиши ҳолатларининг характериға мос келмайдиган прокурор таъсир воситаларининг танланиши каби хатоларга олиб келади.

– текшириш бир гуруҳ тезкор ходимлар томонидан ўтказилиши режалаштирилаётган бўлса, улар ўртасида вазифаларни аниқ тақсимлаш;

– текшириш объекти ва предметиға оид халқаро стандартлар ва ҳужжатлар, миллий қонунчилик, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳамда ички идоравий ҳужжатларни синчковлик билан чуқур ўрганиб чиқиш;

– текшириш объекти ва предмети билан боғлиқ қонунийлик аҳволиға доир маълумот, статистик ҳисобот ва ахборотларни тўлиқ йиғиш, уларни ҳар томонлама ўрганиш ва таҳлиш қилиш, муқаддам қўзғатилган жинойт ишлари, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий суд ишлари натижалари, оммавий ахборот воситалари, интернет сайтлари, ижтимоий тармоқларда эълон қилинган хабарлар, жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган

мурожаатларни чуқур таҳлил қилиш (*бунда давлат сири, қонун билан қўриқланадиган ва хизматга оид бошқа маълумотларни олиш тартибига қатъий риоя қилиш, шунингдек, уларнинг сир сақланишини таъминлаш юзасидан барча чораларни кўриш, улардан ноқонуний равишда фойдаланмаслик шарт*);

– текшириш объектида йўл қўйилаётган тизимли қонун бузилиши ҳолатлари ва муаммоларни аниқлаш мақсадида муқаддам прокуратура ва назорат қилувчи органлар томонидан ўтказилган текшириш, тафтиш ва инвентаризация ҳужжатларини эътибор билан ўрганиш, уларнинг натижаси бўйича қўрилган чора-тадбирлар ижросини таҳлил қилиш;

– юқори турувчи прокурордан юборилган соҳага оид буйруқ, топшириқ, кўрсатма, йўналтирувчи хат, танбеҳ ва бошқа шу каби ҳужжатларни, текшириш ўтказиш тактикаси ва методикасига бағишланган услубий қўлланма, тавсия ва бошқа манбаларни ўрганиб чиқиш;

– режалаштирилаётган текширув тактикаси ва методикасини белгилаб олиш;

– текширув жараёнида текширув объекти, унинг масъул ва мансабдор шахсларига оид қимматли маълумотлар тақдим этиши мумкин бўлган ахборот манбаларини аниқлаш (*бунда тизимдан у ёки бу сабаб билан ишдан бўшатишган шахслардан маълумот олиш жуда фойдали саналади*);

– текшириш объекти, унинг мансабдор ва масъул шахслари, унда содир этилаётган коррупция ҳолатлари ва бошқа шу каби тезкор маълумотларни (*агар мавжуд бўлса*) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан олиб ўрганиш;

– текширишга мутахассис/эксперт жалб қилиш/қилмаслик масаласини ҳал этиш, улар олдида қўйиладиган саволлар (масалалар) доирасини ҳар томонлама, тўлиқ ва тўғри белгилаш (*агар мутахассис жалб этилиши лозим деган қарорга келинса, мутахассис ажратиши тўғрисидаги хатда айнан қандай соҳадаги мутахассис зарурлиги кўрсатиб ўтилиши мақсадга мувофиқ*);

– текшириш дастурини имловий ва стилистик қоидаларга тўла риоя этган ҳолда, ҳар томонлама ва сифатли тузиш ҳамда уни ваколатли прокурор ёки прокурор ўринбосарига санаси кўрсатилган ҳолда тасдиқлатиш;

Текшириш дастурини тузиш режалаштириш ёки текширишга тайёргарлик кўриш босқичининг якуний қисми ҳисобланиб, унда қуйидагилар ўз аксини топади:

1) текшириладиган объект номланиши;

2) текшириш асоси ва текшириш муддати;

3) текшириладиган қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

4) ўрганиладиган саволлар ва аниқлаштирилиши лозим бўлган масалалар (*текшириш жараёнида саволлар доираси ўзгартирилиши ёки кенгайтирилиши мумкин*)

5) текширув гуруҳи аъзолари ўртасида вазифаларнинг тақсимланиши (*текширув бир гуруҳ тезкор ходимлар томонидан ўтказилиши режалаштирилган тақдирда*);

6) текширув ҳаракатларини ўтказиш кетма-кетлиги;

7) текширувга жалб этилиши мумкин бўлган мутахассислар ва бошқалар;

– юқори турувчи прокурор ёки унинг соҳавий ўринбосари ҳузурида текширув гуруҳи аъзолари иштирокида тезкор йиғилиш ўтказиб, текширувни бегиланган тартибда ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиш (*зарурат мавжуд бўлса*);

– текширишга тайёргарлик кўриш босқичида текшириш объекти, унинг мансабдор ва масъул шахслари билан дастлабки тарзда бевосита (*юзма-юз*) ёки телефон орқали суҳбатлашиб, уларга ўтказилиши режалаштирилаётган текширишнинг мақсади ва вазифаларини тўғри тушунириш, текшириш мобайнида зарур бўладиган маълумот ва ҳужжатларни монеликсиз тақдим этиш ҳақида хушмуомалалик билан, айти пайтда, расмий оҳангда кўрсатма бериш, шу жумладан, текшириш жараёнида текшириш объектининг вакили сифатида иштирок этувчи масъул ходим бириктириш ҳақида олдиндан келишиб олиш.

Асосий – бевосита текшириш ўтказиш босқичи

Мазкур босқичнинг асосий хусусияти – текширув объекти томонидан соҳага доир қонунчилик ижроси аҳволи ва фаолиятнинг қонуний асосда амалга оширилаётганлигига ҳуқуқий баҳо беришдан иборат. Яъни, ушбу босқичда текширув объектининг фаолияти текшириш дастурида белгиланган масалалар (саволлар) ёрдамида ўрганилиши лозим.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 21-моддасига кўра, қонунлар ижросини текшириш қонунларнинг бузилаётганлиги тўғрисидаги аризалар ва бошқа маълумотлар асосида, шунингдек қонунийлик прокурор томонидан чоралар кўрилишини талаб қиладиган ҳолатда эканлигидан келиб чиққан ҳолда қонунда белгиланган тартибда ўтказилади. Текшириш ўтказиш мобайнида прокурор ваколатларидан самарали фойдаланиш лозим бўлиб, қонуннинг 22-моддасига асосан, прокурор қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш жараёнида ўз ваколатлари доирасида:

– вазирликлар, идораларнинг, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг, ҳарбий қисмларнинг ҳудуди ва хоналарига монеликсиз киришга, ҳужжатлар ва материалларни кўришга, текширишлар ўтказишга, текшириш учун қарорлар, фармойишлар, буйруқлар ва бошқа ҳужжатларни, қонунийликнинг ҳолати тўғрисидаги ва уни таъминлашга доир чоратadbирлар ҳақидаги маълумотларни талаб қилишга;

– давлат органлари, ҳарбий қисмлар, вазирликлар ва идораларнинг ҳарбий тузилмалари раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахсларидан улар тасарруфидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотлар фаолиятини текшириш, тафтиш ўтказишни,

идоравий ва ноидоравий текширишлар ўтказиш учун мутахассислар ажратишни талаб қилишга;

– мансабдор шахслар ва фуқаролардан қонун бузилиши хусусида оғзаки ёки ёзма тушунтиришлар талаб қилишга ҳақлидир.

Қонун бузилиши аниқланган тақдирда прокурор ушбу Қонунда ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган чораларни кўришга мажбур.

Асосий босқич қуйидаги жараёнларни ўз ичига олади:

– текширишни бевосита бошлашдан аввал текшириш объектида раҳбар, масъул ходимлар ва меҳнат жамоаси иштирокида қисқа муддатли йиғилиш ўтказиб, унда ўтказиладиган текширишнинг мақсади ва вазифаларини тўғри тушунтириш, текширишга жалб этилган мутахассис/экспертлар билан таништириш, ишлаш учун текширув гуруҳи аъзоларига зарур шароит (*алоҳида хона, компьютер, принтер, алоқа воситалари ва ҳ.к.*) яратиш, текшириш мобайнида зарур бўладиган маълумот ва ҳужжатларни текширув гуруҳига монеликсиз тақдим этиш ҳақида хушмуомалалик билан, айти пайтда, расмий оҳангда кўрсатма бериш, шу жумладан, текширишда текшириш объектининг вакили сифатида иштирок этувчи масъул ходимларни бириктирилишини таъминлаш;

– текшириш объектининг ўзида текширув учун зарур ва ўрганилиши лозим бўлган учун қарорлар, фармойишлар, буйруқлар ва бошқа ҳужжатларни, қонунийликнинг ҳолати тўғрисидаги ва уни таъминлашга доир чора-тадбирлар ҳақидаги маълумотларни талаб қилиш;

– текшириш объектида текширув билан боғлиқ ҳужжат ва нарсаларни кўздан кечириш, ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни, қонунийликнинг ҳолати ва уни таъминлашга доир чора-тадбирлар ҳақидаги маълумотларни жойида ўрганиш;

– текширув жараёнида зарурат туфайли прокуратура ходими ёки мутахассис/экспертлар томонидан олинадиган давлат сир, тижорат сир, қонун билан кўриқланадиган ва текширув объектига оид бошқа маълумотларнинг сир сақланишини таъминлаш;

– текшириш дастурида белгиланган саволларни (масалалар) бевосита ўрганиш зарурати юзага келган тақдирда, текширув тадбирларини профессионал даражада, масъулият ва ҳолислик билан олиб бориш (*бунда, расмиятчилик, сохтакорлик ва суиистеъмолчиликка йўл қўймаслик*);

– зарурат туғилганида, ваколатли давлат органлари ва муассасаларига хатлар юбориш, тафтиш ва экспертиза тайинлаш;

– текширишга жалб этилган мутахассис/экспертлар фаолиятини кундалик назорат қилиб бориш, улардан текширишда аниқланаётган ҳолатлар ҳақида вақти-вақти билан ахборот олиш (*мутахассис/экспертларга нисбатан хушмуомала бўлиш, уларнинг шаъни ва қадр-*

қимматини камситувчи муомала ёки ҳақорат қилиш ҳолатларига қатъий йўл қўймаслик, текшириш ҳаракатларига норасмий жамоатчи ёрдамчилар ва бошқа бегона шахсларни белгиланган тартибга зид равишда жалб қилмаслик шарт);

– текширишда суиистеъмолчиликка йўл қўймаслик ва текшириш объектининг фаолиятга ҳолисона баҳо бериш, хўжалик фаолиятига ва бошқа фаолиятга аралашмаслик чора-тадбирларини кўриш;

– текшириш мобайнида қонунийлик аҳволини таҳлил қилиш, тизимли муаммо ва камчиликлар, шунингдек ҳуқуқий нормаларнинг ўзбошимчалик билан, субъектив тарзда, танлов асосида талқин қилиниши ҳамда коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш ҳамда бунга имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини куриш;

– текшириш мобайнида текширув объекти томонидан қонунчилик ижроси аҳволи, амалга оширилаётган фаолиятнинг қонунийлигига баҳо бериш, тизимли қонун бузилиши ҳолатлари аниқланган тақдирда, бунинг сабаблари, уни келтириб чиқарган шарт-шароитлар, қонун бузилишига йўл қўйган мансабдор ва масъул шахслар доирасини аниқлаш;

– текшириш ўтказиш мобайнида муайян бир ҳолатга ёки қонунбузилиши фактига аниқлик киритиш учун мансабдор шахслар ва фуқаролардан оғзаки ёки ёзма тушунтиришлар олиш;

– текшириш мобайнида текширув билан боғлиқ муайян масалада учрашиш мақсадида келган фуқаро, меҳнат жамоаси вакили ёки бошқа шахсларни хушмуомалалик билан кутиб олиш, улар томонидан билдирилаётган мурожаатнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ англаб олиш ҳамда текшириш жараёнида ундан зарур ҳолатларда усталик билан фойдаланиш;

– текшириш ўтказиш жараёнида бошқа тезкор ходимлар, мутахассис/экспертлар ва текширувга алоқадор бошқа шахслар томонидан жиноят ёхуд бошқа ҳуқуқбузарлик ёки прокуратура ходими ёки ушбу шахсларни жиноят ёхуд бошқа ҳуқуқбузарлик содир этишга ундовчи ҳаракатлар содир этилганлиги ҳақидаги маълумотларни зудлик билан юқори турувчи раҳбарга ёки шахсий хавфсизликни таъминлаш тармоғига маълум қилиш;

– текшириш жараёнида хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда юқори турувчи раҳбарни дарҳол хабардор қилиш;

– мутахассис/экспертлар томонидан ўтказилган текшириш якунлари, шу жумладан, улар томонидан расмийлаштирилган мутахассис/эксперт маълумотномалари (далолатномалар) мазмуни билан мутахассис/экспертлар иштирокида текширилган объектнинг мансабдор ёки моддий жавобгар шахсларига таништирилишини таъминлаш (бунда аниқланган ҳолатлар ва йўл қўйилган қонунбузарликлар ҳақида ҳолисона маълумот бериш, маълумотнома (далолатнома) билан танишиб чиқиш учун етарлича вақт ажратиш, текширилган объектнинг

мансабдор ёки моддий жавобгар шахслари томонидан берилган саволлар ва билдирилган эътирозларга (тушунмовчилик) мутахассис/экспертлар томонидан аниқ ва тўғри жавоб берилишини таъминлаш).

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, текширув ўтказиш мобайнида Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари билан прокурорга берилган ваколатлардан тўғри ва самарали фойдаланиш, улардан шахсий ёки ғараз мақсадларда, шунингдек, бошқа бировларнинг ноқонуний манфаатлари учун фойдаланмаслик шарт.

Текширишда аниқланган қонун бузилиши ҳолатларига ҳуқуқий баҳо бериш босқичи

Мазкур босқичда ўтказилган прокурор текширувига масъул бўлган ёки текширувни бевосита ўтказган прокуратура органининг тезкор ходими томонидан ўтказилган текшириш якунлари ва унда аниқланган ҳолатларга қонуний баҳо берилади, текшириш жараёнида аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан қандай прокурор таъсир чораларини (*ш.ж., прокурор назорати ҳужжатлари*) қўллаш зарурлиги тўғрисида хулосага келинади, мазкур ҳужжатларнинг лойиҳалари тайёрланади ва ваколатли прокурор томонидан имзоланиб, ижрога қаратилади. Бунда прокурор таъсир чораларига (*ш.ж., прокурор назорати ҳужжатлари*) ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш, шунингдек, қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабабларини бартараф қилиш воситаси сифатида қаралмоғи лозим. Тадқиқотчиларнинг фикрича, мазкур босқичда текширув объектида аниқланган фактик ҳолатлар билан амалдаги ҳуқуқий нормалар (ҳуқуқий режим) ўзаро солиштирилади, бу жараён “малакалаш – хулоса” деб номланиб, айнан у келгусида прокурор таъсир чораларининг қўлланилишига асос бўлади.

Мазкур босқичда қуйидагилар хатти-ҳаракатлари амалга оширилади:

– ўтказилган текшириш натижалари бўйича мутахассис ва экспертлар томонидан тузилган маълумотнома (*далолатнома*) билан танишиб чиқиш, бу жараёнда текшириш ўтказган мутахассислардан синчковлик ва хушёрлик билан аниқланган қонун бузилиши ҳолатларига ойдинлик киритиш;

– текшириш якунлари юзасидан прокуратура ходими томонидан умумлаштирилган (таҳлилий) маълумотнома тузиш (бунда, *текишириш натижалари бўйича ҳажми 15 варақдан кўп бўлмаган, умумлаштирилган таҳлилий маълумотнома тузилиб, текиширишга масъул бўлган прокуратура ходими, жалб қилинган тегишли мутахассислар, текиширилган объектнинг мансабдор ёки моддий жавобгар шахслари томонидан имзоланади. Маълумотномага илова қилинаётган бошқа ҳужжатлар уларни тузган, шунингдек, текиширилган объектнинг мансабдор ёки моддий жавобгар шахслари томонидан имзоланиши лозим*);

– текшириш якунлари юзасидан тузилган умумлаштирилган (тахлилий) маълумотномани текшириш ўтказилган объектнинг мансабдор ёки моддий жавобгар шахсларига таништириш, бунда уларга текширишда аниқланган ҳолатлар ва йўл қўйилган қонунбузарликлар ҳақида ҳолисона маълумот бериш, маълумотнома билан танишиб чиқиш учун етарлича вақт ажратиш, улар томонидан берилган саволлар ва билдирилган эътирозларга (тушунмовчилик) аниқ ва тўғри жавоб берилишини таъминлаш;

– муайян бир ҳолатга ёки қонунбузилиши фактига аниқлик киритиш мақсадида ёзма ёки оғзаки тушунтиришлар олиш;

– текширув якунлари тўғрисида билдирги орқали назорат қилувчи прокурор ёки унинг соҳавий ўринбосарига маълум қилиш;

– аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан прокурор назорати ёки процессуал ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва уни юқори турувчи прокурор ёки унинг соҳавий ўринбосари билан келишиш;

– тайёрланган ҳар бир прокурор назорати ёки процессуал ҳужжатларни хусусиятига кўра тўғри номлаш, прокуратура органларида иш юритиш тартибига амал қилган ҳолда сана қўйилиб, рўйхатга олинишини таъминлаш;

– прокурор ёки унинг соҳавий ўринбосари томонидан имзоланган прокурор назорати ёки процессуал ҳужжатларни прокуратура органларидаги иш юритиш тартибига амал қилган ҳолда уни кўриб чиқишга ваколатли органга (*ш.ж. текширув ўтказилган объект*) юборилишини таъминлаш;

– текширишда аниқланган ҳолатларни (*текшириш натижаларини*) меҳнат жамоасида ошкора кўриш ва натижасини оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда ёритиш, бу жараёнда аҳолига ҳолис, тўлиқ ва ҳаққоний маълумот тақдим этиш (*ушбу масалага устувор аҳамият берилиши зарур*);

– текширув натижаларидан келиб чиққан ҳолда, текширув қамраб олинган соҳаларда қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштириш, бўшлиқларни бартараф этиш юзасидан асослантирилган таклифлар ишлаб чиқиш ва юқори турувчи прокуратура органига тақдим этиш.

Шуни унутмаслик лозимки, мавзкур босқичда қўлланилаётган прокурор таъсир чораларининг (*ш.ж., прокурор назорати ҳужжатлари*) сифатли, асосли ва қонуний бўлишига алоҳида эътибор қаратиш зарур бўлиб, бу борада масъулият прокурор назорати ҳужжатини имзолаган раҳбар, яъни прокурор ёки унинг соҳавий ўринбосари зиммасига юклатилади.

Яқуний – қўлланилган прокурор таъсир чораларининг (*ш.ж., прокурор назорати ҳужжатлари*) амалда ижро этилиши устидан назорат босқичи

Прокурор назорати ҳужжатининг самарадорлигини ошириш учун таъсир ҳужжатини олган орган ёки мансабдор шахс томонидан унинг аниқ бажарилишининг аҳамияти нихоятда муҳимдир. Шунинг учун ҳам прокурорлар қайд қилинган орган ёки мансабдор шахс томонидан қонунда белгиланган талабларга риоя қилиниши устидан назорат олиб боришлари лозим. Бироқ, юқорида қайд этилганидек, аксарият олимлар ушбу босқични прокурор текширувларини ташкил этиш ва ўтказишнинг алоҳида босқичи сифатида қабул қилмайди.

Масалан, Г.Иванцова аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш бўйича кўрилган чоралар ижроси устидан назорат ўрнатишни прокурор текширувининг тўртинчи босқичи сифатида ажратиб бўлмаслигини, бу ваколатни прокурор ташаббускорлик асосида, муайян бир важсиз ҳам амалга ошириши мумкин, деб ҳисоблайди. С.Алексеев ва Н.Вотчел текширув, одатда, текширув натижаларини текширилган орган ва унинг таркибий тармоқлари раҳбарлари билан муҳокама қилиш билан якунланади. Бунда асосий эътибор аниқланган қонун бузилиши ҳолатларининг сабаблари, уларни бартараф этиш ва келгусида йўл қўймаслик йўллари топишга қаратилган бўлиши зарур деса, К.Разногузов текширувнинг якуний босқичи бу – текширувда тўпланган материалларни реализация қилиш босқичида текширув маълумотномасининг тузилиши, унда олиб борилган текширув тадбирларининг натижалари, аҳамиятга молик маълумотлар, қонун бузилиши ҳолатининг мавжуд-мавжуд эмаслиги, қонунбузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратган шарт-шароитларни баратараф этиш мақсадида қайси прокурор таъсир ҳужжатларини қўллашга зарурат мавжудлиги ҳақидаги хулосаси акс эттирилишини қайд этади. Шу каби, В.Ломовский прокурор текшируви бузилган қонунийликни тиклаш ёки унинг бузилишидан огоҳлантириш ёхуд унинг бузилмаганлигини аниқлаш ҳақида қарор қабул қилиш билан якунланади, деган фикрни илгари суради.

Бизнингча, ушбу олимларнинг фикри нисбатан мунозарали бўлиб, текширув босқичлари доираси торайтириб кўрсатилади. Ваҳоланки, амалда прокурор назорати текширув якунланиши билан эмас, балки айнан қўлланилган прокурор таъсир чоралари ўз вақтида, сифатли, тўлиқ ва тўғри ижро этилганида ҳамда аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари ҳақиқатда бартараф этилганида якунланади.

Фикримизнинг тасдиғи сифатида А.Щербаковнинг қуйидаги мазмундаги фикрини келтириш мумкин бўлади. Хусусан, А.Щербаков назорат текширувларини бевосита ўтказган прокурор ёрдамчилари қўлланилган прокурор таъсир чораларининг кўриб чиқилиши устидан назорат қилишлари ва текширув материалларини прокурор ҳужжатларини кўриб чиқиш натижалари келиб тушгунига қадар ўзларида сақлаб туришлари лозимлиги, жавоб хатларининг мавжудлиги ва ўз вақтида келиб тушганлиги

ушбу босқичдаги назоратнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланиши, берилган жавобларга прокурор томонидан баҳо берилганидан сўнггина, текширув материаллари сақлаш учун девонхонага топширилиши зарурлигини таъкидлайди.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, прокурор назорати амалиётида қўйи прокуратура органлари томонидан ушбу босқичга етарлича эътибор қаратилмаяпти, унинг аҳамияти ва зарурияти лозим даражада тушуниб етилмаяпти.

Хусусан, Қашқадарё, Наманган, Андижон вилоятлари, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасида вояга етмаганларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисидаги қонунчилик ижроси юзасидан келтирилган прокурор протестларини мутасадди идоралар томонидан кўриб чиқиш якунлари бўйича қабул қилинган тегишли буйруқ ёки бошқа ҳукукий ҳужжатлар талаб қилиб олинмаган.

Ваҳоланки, фикримизча, текширув ўтказилган объектлар фаолиятининг келгусида қонуний асосларда йўлга қўйилиши, ўтказилган текширишларнинг самарадорлиги ҳамда қўлланилган прокурор назорати ҳужжатларининг таъсирчанлиги айнан мазкур босқичга узвий ва бевосита боғлиқдир. Қўлланилган прокурор назорати ҳужжатлари ижроси, уларни кўриб чиқиш якунига кўра, қабул қилинган қарорлар, чора-тадбирлар режаси (дастур) прокурор томонидан назоратга олинмас экан, прокурор назоратидан кўзланган умумий мақсадга эришиб бўлмайди.

Аслида эса назорат прокурор таъсир чораларида (*ш.ж., прокурор назорати ҳужжатлари*) кўрсатилган қонун бузилиши ҳолатлари, уларнинг сабаблари ва бунга имконият яратган шарт-шароитларнинг амалда (ҳақиқатда) бартараф этилиши ҳамда бажарилишини назорат қилиш билан якунланиши керак. Яъни, идеал ҳолатда, мисол учун, прокуратура органлари томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги психиатрия ёрдами кўрсатувчи муассасаларда «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонун ижроси текширилиб, натижасига кўра, давлат органи раҳбари номига қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритилади. Тақдимномани кўриб чиқиш натижаси бўйича давлат органи томонидан тақдимномада қайд этилган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар режаси (дастур) тузилади. Маълумки, ушбу талаб «Прокуратура тўғрисида»ги Қонундан келиб чиқади. Хусусан, Қонуннинг 40-моддасига кўра, прокурор тақдимномаси дарҳол кўриб чиқилиши ва кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида бир ойлик муддат ичида прокурорга ёзма равишда маълум қилиниши лозим.

Бу ҳолатда чора-тадбирлар режасини (дастур) тақдимнома ижроси билан боғлиқ ахборотга қўшиб текшириш материалига тикиш билан чекланилмасдан, унда белгиланган вазифалар (бандлар) бажарилиши устидан доимий назорат ўрнатиш ва бу мақсадда давлат

органига амалга оширилган ишлар тўғрисида прокуратура органига белгиланган муддатларда (*прокурор томонидан белгиланади*) ахборот такдим этиб бориш вазифаси юклатилиши зарур. Режа (дастур)да белгиланган барча бандлар амалда (ҳақиқатда) ижро этилганидан сўнг (*доимий характерга эга бўлган бандлар бундан мустасно*), тезкор ходим юқори турувчи раҳбарга (*прокурор ёки унинг ўринбосари*) бу ҳақда ахборот бериб, билдирги орқали назоратдан чиқариши лозим бўлади. Табиийки, назоратнинг бу тарзда ташкил этилиши прокурор таъсир чораларининг (*ш.ж., прокурор назорати ҳужжатлари*) тўлиқ ва амалда бажарилишига, прокурор назоратининг самарадорлиги ва таъсирчанлигининг ошишига олиб келади.

Худди шу каби, келтирилган прокурор протестлари бўйича уларнинг ваколатли органлар томонидан кўриб чиқилиши натижалари тўғрисида қабул қилинган буйруқ (*буйруқ нусхаси*)лар (*агар протест маъмурий қарорга нисбатан келтирилган бўлса, қарор нусхаси*), прокурор қарори ва аризаси бўйича уларни кўриб чиқиш натижаларига оид ҳужжатлар, қарорлар ҳамда унга илова ҳужжатлар талаб қилиб олиниши шарт ҳамда зарур.

Энг асосийси, қўлланилган прокурор таъсир чораларининг (*ш.ж., прокурор назорати ҳужжатлари*) ижроси бўйича текширув объектлари томонидан берилган жавоб хатлари ва унга илова ҳужжатларнинг (*буйруқ, қарор ва ҳ.к.*) юридик жиҳатдан тўғри расмийлаштирилишига эътиборлилик ва синчковлик билан жиддий эътибор бериш керак бўлади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Решетникова Т.А. Правовой статус, функции и полномочия прокуратуры в странах СНГ (сравнительно-правовое исследование): Дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: Научно-исследовательский институт проблем укрепления законности и правопорядка при Генеральной прокуратуре Российской Федерации, 2005. – С. 145.
2. Прокурорская проверка. Методика и тактика проведения: учебное пособие / коллектив авторов; под ред. О.Н.Коршуновой. – 2-е изд., перераб. и доп. – Москва: ЮСТИЦИЯ, 2019. – С. 16.
3. Иманов И.А. Система и эффективность актов прокурорского надзора в противодействии коррупции в Республике Казахстан // «Юридическая наука и правоохранительная практика», 4 (34) 2015. – С. 197.
4. Щербаков А.М. Прокурорский надзор в Российской Федерации: Учебное пособие / – Красноярск: РУМЦ ЮО, 2005. – С. 47.
5. Субанова Н.В. Прокурорский надзор за исполнением законодательства в сфере лицензирования [Текст]: вопросы теории и практики / Н. В. Субанова. – Москва: Юриспруденция, 2011. – 201, [1] с.

6. Дарбинян А.А. Прокурорский надзор за законностью правовых актов, издаваемых Министерством природных ресурсов и экологии Российской Федерации и подведомственными ему федеральными органами: Дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: Автономная некоммерческая организация высшего профессионального образования “Московский гуманитарный университет”, 2013. – С. 105-106.
7. Неганова Е.Н. Предметный принцип организации прокурорской проверки с учетом новелл законодательства о прокуратуре // «Современное право», № 7, 2017. – С. 23.
8. Теоретические и организационные основы прокурорской проверки: монография / [Н.Д.Бут и др.] под общ. ред. Н.В.Субановой; Акад. Ген.прокуратуры Рос. Федерации. – М., 2016. – С. 102.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни / *Қонунчилик маълумотлари миллий базаси*, 29.11.2023 й., 03/23/880/0905-сон.
10. Алексеев С.Л., Вотчель Н.Р. Прокурорский надзор: Учебное пособие / под ред. д.ю.н., профессора Ф.Н.Багаутдинова. – Казань: Информационно-технологический центр АСО, 2014. – С. 45-46.
11. Баранов С.А., Просвирин Е.В. О некоторых вопросах тактического обеспечения прокурорской проверки в Российской Федерации // «Проблемы правоохранительной деятельности», №1 / 2011. – С. 49.
12. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 05.12.2017 йилдаги “Ишларни ташкиллаштириш, ижро интизомини янада мустаҳкамлаш ва таҳлилий фаолият самарадорлигини ошириш тўғрисидаги” 172-сон буйруғи // [Электрон манба: https://buyruq.prokuratura.uz/regulations/doc](https://buyruq.prokuratura.uz/regulations/doc) (мурожаат вақти: 28.02.2024).
13. Иванцова Г.А., Магомедова З.Т. Этапы проведения прокурорской проверки // Научно-образовательный журнал для студентов и преподавателей «StudNet», № 11/2020. – 6 с.
14. Алексеев С.Л., Вотчель Н.Р. Прокурорский надзор: Учебное пособие / под ред. д.ю.н., профессора Ф.Н.Багаутдинова. – Казань: Информационно-технологический центр АСО, 2014. – С. 46.
15. Разногузов К.Г. Методика прокурорской проверки исполнения законов о защите прав предпринимателей в сфере антимонопольного регулирования // «Закон и право», 08-2014. – С. 113.
16. Ломовский В.Д. Прокурорская проверка: учебное пособие. – Тверь: Твер. гос. университет, 1993. – С. 6.
17. Щербаков А.М. Прокурорский надзор в Российской Федерации: Учебное пособие / – Красноярск: РУМЦ ЮО, 2005. – С. 47.
18. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 05.08.2022 йилдаги Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорларига юборган 30 / 91-22-07/86-сон Йўналтирувчи хати.